

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи томонидан
2024 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан
ҲИСОБОТ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Кадрлар бошқармасининг Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “**Судлар тўғрисида**”ги, “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги Қонунлари ҳамда ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиб, судлар аппаратлари ходимларининг фаолияти **қонунийлик**, фуқаролар **ҳуқуқлари**, **эркинликлари** ва қонуний **манфаатларининг устуворлиги**, очиқлик ва **шаффофлик** ҳамда бошқа асосий принциплар асосида ташкил этилишини таъминлаш билан биргалиқда, суд аппарати ходимлари ўртасида **коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш**, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни** шакллантириш ишларини жадал олиб бормоқда.


Республика судлари аппаратларини кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйишда **коррупциявий омилларнинг олдини олиш** мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2024 йил 29 февралдаги **РС-09-24-сон қарори** билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қўйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низом** (кейинги ўринларда – Низом) **тасдиқланди**.

Низом талабларига мувофиқ республика судларининг **кадрлар захирасига** номзодларни **қабул қилишда** ҳамда кейинчалик уларни бўш (вакант) **лавозимларга тайинлашда** туманлараро, туман (шахар), вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан ўрганиш бўйича **амалда бўлган механизмларидан ташқари**, ҳар бир номзод бўйича Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи томонидан қўшимча равишда **комплаенс ўрганиш ўтказиш** ва **тайинловларни келишиш** тартиб-таомили **жорий этилди**.

Ушбу тартибга мувофиқ Ички назорат гуруҳи томонидан **жорий йилнинг 9 ойи** давомида **542 нафар** номзод вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раисларининг тақдимномалари асосида комплекс ўрганилган бўлиб, шундан **71 та** (13 фоиз) тақдимнома **рад қилинган** бўлса, **471 та** (87 фоиз) тақдимнома бўйича Ички назорат гуруҳининг **ижобий хulosаси** берилган.

ЎРГАНИШЛАР

■ Ижобий хулоса берилган ■ Салбий хулоса берилган



Ўтказилиб келинаётган ўрганишлар давомида қуи судларда етарли даражада ўрганилмаган ҳамда эхтимолий коррупцияга мойиллиги бўлган номзодларнинг суд тизимиға киришининг барвақт олди олинмоқда.

Мисол учун, сўнгги **9 ой давомида** муайян бир ҳудуддан Олий судга кўриб чиқиш учун киритилган **54 нафар** номзоддан **12 нафари (22 фоиз)** бўйича Ички назорат гуруҳининг **салбий хулоаси** берилган ҳамда уларни тизимга ишга қабул қилиш ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш **мақсадга мувофиқ эмас** деб топилган.

Бундан ташқари, Ички назорат гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 23 декабрдаги РС-72-21-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ **республика судларида 7 та текширув** ўтказилган. Текширувлар давомида **аниқланган ҳолатлар** юзасидан **2 нафар** суд аппарати **ходими** билан тузилган **меҳнат шартномаси бекор қилинди**. **13 нафар** суд аппарати ходимига “**ҳайфсан**” интизомий жазо чораси қўлланилди.

5 та вилоятда **амалий ёрдам қўрсатиш йўли** билан **ўрганишлар** ўтказилди. Ўрганиш натижалари юзасидан **5 нафар** ходим эгаллаб турган **лавозимидан озод этилди**. **9 нафар** ходимиға нисбатан “**ҳайфсан**” ҳамда **1 нафар** ходимиға нисбатан “**жарима**” интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Шу билан бирга, **жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари** билан ишлаш тартибини бузганлиги учун аниқланган ҳолат юзасидан **1 нафар** суд аппарати ходими билан тузилган **меҳнат шартномаси бекор қилинди**.